# Субҳидам

*Келажагимизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан бугунга боғлиқдир. Учинчи минг йилликда яшаб, ижод қиладиган авлодлар бугун дунёга келмоқда, тарбия топмоқда. Уларнинг камолга етиши, келажаги қандай бўлиши бизу сизга, ҳаммамизга боғлиқ. Сайёрамизнинг эртаси, ҳар бир инсоннинг, ҳар бир халқ ва бутун бир миллатларнинг келажаги ҳам сиз билан бизга боғлиқ.*

**Ислом КАРИМОВ.**

# Устоз отангдай азиз



Ниҳол ҳам парвариш-ла камол топади, қизим...

Дунёга келган ҳар бир фарзанд ўзига етарли маънавий-ахлоқий тарбия кўриши, интеллектуал малака ҳосил қилиши шарт. Акс ҳолда, ҳаётда унинг иши юришмайди. Тарбиясиз фарзанд — оиланинг ҳам, жамиятнинг ҳам муаммосига айланади. Шу сабабдан, таълим-тарбиянинг инсон тақдиридаги аҳамиятига катта эътибор берилиб, «Бола азиз, тарбияси ундан азиз» деган нақл яратилган. Худди шу омил, яъни таълим-тарбиянинг куч-қудратига эҳтиром «Устоз отангдай азиз» деган бошқа бир ҳикматли таъбирни ҳам туғдирган.

Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда устоз-шогирдлик азал-азалдан тарбиянинг ҳал қилувчи омилларидан бўлиб келган. Санъаткор устозлар, масалан, мақом ашула ва куй йўлларини шогирдларга ўргатиб, мерос қилиб қолдиришган. Ҳунармандлик устоз-шогирдлик воситасида аждодлардан авлодларга ўтган. Деҳқончилик, боғбонлик, чорвачилик анъаналари мана шу йўсинда яшаб келяпти.

Устоз-шогирдлик фақат бевосита, шахсий мулоқотлар тарзидагина эмас, балки халқнинг маънавий, ахлоқий, илмий, ижодий, фалсафий ва бошқа йўналишларда тўпланган тажрибаларидан ибратланиш шаклларида ҳам мавжуддир. Масалан, ўзбек халқи тарихда Амир Темурдай буюк давлат арбоби ва ҳарбий саркардани, Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Улуғбек, Навоийдай буюк алломалар ва адабий даҳоларни, Ат-Термизий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор сингари пиру раҳнамоларни етказиб чиқарган. Орадан минг йиллар ўтса-да, ўзбек халқининг янги-янги авлодлари ана шундай сиймоларга ватандош эканлигини ҳамиша хотирда тутади ва бу хотира уларга куч-қудрат бағишлайди. Бу улуғ аждодлар — янги авлодларнинг йўлини ўз ибрат нурлари билан ёритиб, уларни янги довонларга илҳомлантириб туради.

Мустақиллик йўлидан дадил олға одимлаётган бугунги Ўзбекистон таълим-тарбияни энг юксак андозаларга кўтаришни ўз тараққиётининг устувор йўналишларидан бирига айлантирди. Бундай вазиятда устозларнинг ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий мавқеи янада юқори поғоналарда намоён бўлади. Жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар орасида ўқитувчилар ҳам борлиги шундан далолат беради. Таълим тизимида меҳнат қилаётган минглаб устозлар Ватаннинг яна бошқа юксак мукофотларига сазовор бўлмоқдалар. Ҳеч бир мамлакатда «Устоз» жамғармаси йўқ. Бизда эса бор ва бу жамғарма олий ҳамда ўрта махсус таълим тизимидаги ўқитувчиларнинг энг нуфузли хорижий таълим марказларида малака оширишларига шароит яратмоқда.

Устоз кишиларни чин дилдан эъзозлаш ва уларга эҳтиром кўрсатиш қадимдан қонимизда бор. Худди шу миллий удум мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётда янада мустаҳкам қарор топди. Мустақилликка эришган айрим ён қўшни давлатларда ҳаётни ислоҳ қилиш, янгилаш, ўзгартиришга ўта шошқалоқлик билан киришилган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма!» деган ажойиб ҳикматни майдонга ташладилар. Бу ҳикмат ҳаётни, жумладан кадрлар тизимини аста-секин, оқилона, вазминлик билан ислоҳ қилишдек инсонпарвар бир сиёсий йўлни ўзида ифода этган эди. Худди шу йўл ҳаётда кўпни кўрган, катта тажриба эгаси бўлган авлодларни авайлаб асрашга йўл очди. Улар баъзи мамлакатларда бўлганидек, «Сен — коммунист», «Сен — кекса» деб четга суриб қўйилмади. Авлодлар ўртасидаги ворислик сақланди. Устозлар малакаси, тажрибаси янги ҳаёт пойдеворини қўйишга олтин ҳисса бўлиб қўшилди.

Кекса авлод ҳам, ёш авлод ҳам янги ҳаётни шакллантиришда фаол иштирок этиб келмоқдалар. Халқимиз устоз кишиларга эҳтиромини ҳеч қачон йўқотмайди. Маҳаллалами, кўча-кўйдами биз ўзимизга қачонлардир таълим берган кишига дуч келсак, албатта, унинг қаршисида қўлимиз кўксимизда, эгилиб салом берамиз. Мураббийларимизни сийлаймиз. Яқинда Тошкент шаҳрининг Янгиобод маҳалласида кекса ўқитувчи Зайниддин ота Исамуҳамедов таваллудининг 85 йиллиги нишонланди. Бу ажойиб тадбирда Зайниддин ота қўлида бир вақтлар ё мактаб ёки институтда таълим олган вазирлар, академиклар, профессорлар қатнашиб, муҳтарам устозларига ўз қалб эҳтиромларини сидқидилдан изҳор қилдилар. Маҳалладаги ёшлар учун бу жуда ибратли тадбир бўлди.

Ўзбекистон ўзининг ёрқин ва буюк келажаги сари интилмоқда. Келажакни эса ҳар жиҳатдан етук, баркамол ёшлар барпо этадилар. Ватанимиз келажаги баркамол кадрларга боғлиқ экан, демак, уларни тарбиялаб, вояга етказувчи таълим-тарбия заҳматкашлари, устозлар олдида ғоят улкан вазифалар турибди. Мана шундай савобли ва шарафли меҳнат йўлида бир елкадош, ҳамкасб инсон сифатида барча ўқитувчи, мураббий-устозларга, аввало, сиҳат-саломатлик, куч-қувват ва, албатта, катта ютуқлар тилайман.

**Элшод НАБИЕВ,**
**Тошкент молия институти биринчи проректори.**

## Оққан дарё оқаверади

# Ҳунар ўлмасин, ҳунар

Асила Исмоилова Тўрақўрғоннинг Катта Қўрғонча қишлоғидан. Ўн олти ёшида тўқувчилик касбига ҳавас қилиб, вилоят марказидаги «Атлас» ҳиссадорлик жамиятига келган қизни тажрибали ишчи Муҳаррам Қаюмовага шогирдликка беришгани айни муддао бўлди. Опа қўл ҳаракатлари чаққон, зеҳнли шогирдини бир ойдаёқ бинойидай атласчи қилди-қўйди.

Кийганда ҳар қандай қизу жувонни яшнатиб юборадиган, камалак рангида товланувчи бу нафис мато қандай тайёр бўлишини биласизми? Айтишларича, уни тўқиш учун ҳунарманд 4320 та ипак толаси ҳолатини бир зум бўлса-да кўздан қочирмаслиги талаб этилар экан. Ана шу нозик жиҳатнинг ўзиёқ атласчилик жўн иш эмаслиги, уни эгаллаш учун устозда талабчанлик билан уйғунлашган меҳр, шогирдда қунт ва сабр-қаноат етарли бўлиши зарурлигини англатади. Салкам уч минг киши меҳнат қилаётган корхонада мураббийлик ҳаракати тиклангани боис, ишлар жонланди. Масалан, бозорнинг гули бўлган атлас матолар тайёрланадиган тўқимачилик цехида 300 киши меҳнат қилади. Уларнинг 90 нафари ҳунар ўрганаётган шогирд қизлар. Ҳар бирининг ёнида тажрибали уста.

Асиланинг устози Муҳаррам опа Қаюмованинг меҳнат фаолиятига 30 йилдан ортди. У йилига беш-олти қизга ҳунар ўргатади. Шогирдлари ишида унум ва сифат юқори. Асиланинг ўзи «Хонатлас», «Бегойим», «Номозшомгул» сингари ўндан ортиқ нусхаларни жуда тез ўзлаштирди. Кунига 80 метрдан ортиқ атлас тўқияпти. Малика Раҳимовадан сабоқ олган Нигора Қирғизова ҳам шундай.

«Атлас»да ажойиб сулолалар шаклланган. Ота ўғилга, она қизига устоз, бундай оилалардан ўз касбининг моҳирлари етишиб чиққан. Аврбандчиликда Иброҳимжон ака бош бўлган Икромовлар сулоласининг олдига тушадигани йўқ. У кишининг укаси Собиржон, келини Гулсина, қизи Ҳабиба, набираси Акрамжон боғлаган арқоқни ҳавас қилмаган тўқувчи кам. Бўёқчиликда ном қозонган Сулаймоновлар сулоласи ипакка ранг беришни оталари Дадахўжа акадан мерос олишган.

— Кўҳна ҳунар — атласчилик сирларини мужассамлаштирган ўқув қўлланмасининг ўзи йўқ, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Абдулҳай Қаҳҳоров. — У авлоддан-авлодга томон оқиб келаётган сеҳрли чашма, қайнаб тошгани сари кўзи янгидан очилади. Ана шу чашмадан қувватланган истеъдодлар яратяпти, ноёб нусхаларни.

Кейинги пайтларда сал бўлса-да четга сурилиб қолаёзган атлас газлама бозорда ўрнини топаётгани ана шу чашма мавжланаётганидан. «Атлас» ҳам ўз навбатида аввалги шуҳратини тиклаяпти. Бултур маҳсулотнинг айрим турлари билан жаҳон бозорига чиқишди. Жанубий кореялик истеъмолчиларга 200 минг погон метр газлама сотилди. Бундан ташқари, техник газлама ишлаб чиқаришнинг мураккаб технологияси ўзлаштирилди. Ўзгаришларнинг бари корхона бозор иқтисодиёти талабларига мослашаётгани, муҳандис ва технологдан тортиб, оддий тўқувчигача ўз ишига ижодий ёндашаётганидан. Ҳунар ўлмасин, ҳунар. Шунда атласимизнинг довруғи ошиб, уни кияман, деганлар кўпаяверади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Нашриёт туҳфаси

# «Асрларнинг армони»



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти қорақалпоғистонлик шоир Янгибой Қўчқоровнинг «Асрларнинг армони» номли шеърий тўпламини муштарийларга тақдим этди.

Я. Қўчқоров шеъриятда ўз овозига эга бўлишга интилаётган қаламкаш. Шоир ранггин дунёни ўз идроки орқали фикрлаб, ундан юракларга ҳузур бағишловчи гўзалликни ахтаради. Ватан ва она шеърларининг бош мотиви. Шоир ҳаётдан ниҳоятда таъсирланади ва шу жараёнда туғилган саволларга жавобларни зукколик билан шеърга солади. Тўпламдаги шеърлар муштарийлар қалбида нимадир қолдиришига ишонасан, киши.

# «Кўк гумбаз»



Тўпламнинг «Кўк гумбаз» деб номланиши бежиз эмас. Мақбарага яқин бориб, ой ёғдуларида товланаётган гумбазга тикилиб турсангиз, кўнглингизни ҳам нурли бир ҳистуйғу чулғайди. Бу ҳистуйғуларни Сирожиддин Рауф моҳирлик билан шеърга солади. Тарихга мурожаат этади. Шу аснода ҳақиқат билан жаҳолатнинг кураши азалий эканлигига ишора қилиб, адолат, ҳақиқат ҳамиша ғалаба қилишини ишонарли тарзда ифодалайди. Ҳаётдан ўзига хос фалсафий-маънавий маънолар топиб, шеърларида мужассам этган Сирожиддин Рауфнинг ушбу китобчаси адабиёт ихлосмандларига муносиб совғадир.

Тўплам «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилган.

## Сиз буни биласизми?

# Пири пойидаги соҳибқирон

Тарихий манбалардан маълумки, Мир Сайид Барака Зайниддин Тойбодий ва Сайид Амир Кулол қаторида соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири бўлган. Сайид Барака билан Амир Темур учрашуви 1370 йилда юз берган. Ўшанда Амир Ҳусайнни Балхда мағлуб этиб, Мовароуннаҳрнинг ёлғиз ҳукмрони бўлиб қолган Амир Темурга Мир Сайид Барака оқ фотиҳа берган. Унинг Мовароуннаҳр ҳукмрони этиб сайланиш маросимини бошқарган. Мир Сайид Барака соҳибқироннинг кейинги фаолияти даврида ҳам раҳнамо, маслаҳатгўйлардан бири бўлиб қолди. Амир Темур унга чуқур эътиқод қўйган ва ўгитларини бошига тумор деб билган. Шу боисдан Мир Сайид Барака 1404 йилнинг охирларида Мозандаронда вафот этганида Амир Темур унинг жасадини Самарқандга келтириб, «Гўри Амир» мақбарасига дафн этган. Ўзи ҳам бу дунёдан кўз юмгач, дафн ўрнини Сайид Бараканинг оёғи остидан белгилаган.

Амир Темур ворислари унинг васиятини бажо келтириб, «Гўри Амир» даҳмасининг гумбази ичида соҳибқиронни Сайид Бараканинг пойига мармар сандиққа мўмиёлаб дафн этдилар.

# Ҳикматлар

**Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини, қутлуғ қадамжоларни зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, яланг оёқ билан бориб зиёратни ўринлатдим.**

* * *

**Уламо билан суҳбатда бўл ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин. Уларнинг ҳикматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуои фотиҳа беришларини илтимос қил.**

**Амир ТЕМУР.**

**Сўзига амал қилмаган мураббий — машъала кўтарган кўрга ўхшайди.**

* * *

**Устоз жабри — ота меҳридан афзал.**

**САЪДИЙ.**

**Устод, муаллимсиз қолганда замон,**
**Нодонликдан қора бўларди жаҳон.**

**Абдураҳмон ЖОМИЙ.**

**Ҳақ йўлинда ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,**
**Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

**Алишер НАВОИЙ.**

# Ривоятлар кўзгусида

Бир устоз ҳасратланиб дебди: «Илм-фанда менга кўп нарса армон бўлиб қолди. Айниқса, ўз шогирдларимдан орланиб, улардан олмаган билимлар мени қайғуртиради. Бас, шундай экан, эй шогирдларим, камолот йўлида мен йўл қўйган хатони такрорламанг. Қаерда фойдали илм бўлса, тортинмай ўрганинг».

* * *

Бир устоз дебди: «Мен чексиз билимдон эмасман. Аммо ниманики билсам, уни чуқур биламан».

* * *

Бир устоздан сўрашибди: «Сиз кимни доно деб биласиз?» Устоз шундай дебди: «Ўзгаларни тинглай олган кишини».

* * *

Бир устоз ўз саволига шогирдининг жавобини катта бир янгиликни эшитаётгандай диққат билан тинглаб, таҳсин айтибди. Буни кузатиб турган биродари ҳайрон қолибди:



— Нима, шогирдингнинг фикрлари чиндан ҳам сен учун кутилмаган янгилик бўлдими?

— Йўқ, ундай эмас, — дебди устоз. — Бироқ шогирдим ўзга бировга билим бераётганлигидан ҳузурлансин деб, ўзимни шундай тутдим. Бу йўриғим уни янада чуқурроқ илмли бўлишга рағбатлантиради.

* * *

Бир устоз сабоқни тугата туриб, шогирдидан: «Сен айтганларимни тушунмадингов?» деб сўрабди.

Шогирди: «Йўқ, тушундим», деб жавоб қилибди. «Бўлмаган гап, — дебди устоз. — Агар мени тушунган бўлсанг, буни чеҳрангда жилваланган мамнуният айтиб турарди, тилинг эмас».

* * *

Бир устоз қурдошларига дебди: «Инсон ёруғ дунёдан кўз юмиш арафасида яна ортга, ҳаётга қайтгуси, қилган гуноҳларидан поклангуси, Аллоҳ мурувватига мушарраф этадиган хайрли ишлар қилгуси келади. Лекин қазо муқаррар. Ортга қайтолмайсиз. Бас, шундай экан, ҳаётлигингизда қадамни билиб босинг. Сўнгги пушаймонга ўрин қолдирманг».

# ТАЪЗИМ



Ибрат

Ганчкорликка қизиқиб, тўгаракларда қатнашиб, қўлим озми-кўпми нақшлар ўйишга келиб қолганда, бир нарсани аниқ ҳис қилдим. Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалаши рост гап экан. Ана шундай кунларнинг бирида тақдир мени моҳир нақкош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Анвар Илҳомов билан учраштирдию, ҳаётимда туб бурилиш рўй берди. Устоз ўгитлари, яратиладиган асарларнинг сифатига эътибор бериш биринчи галдаги вазифа эканлигини таъкидлашлари натижасини кўрсата бошлади. Ўз вақтида Маҳмуд Тўраев, Тоирхўжа Тўхтахўжаев, Жалил Ҳакимов каби устозларга эргашиб, ҳунар ўрганиб, улардан оқ фотиҳа олган Анвар акадан сабр-тоқат билан ишлаш, интизомга қатъий риоя қилиш, касбга муҳаббат билан ёндашиш каби хислатларни ўргана бошладим. Айниқса, устозимнинг Архитектура-қурилиш институтини битирганлиги ва касбига ижодий ёндашиши мени ўзига мафтун этди. Анвар аканинг миллий анъаналарга риоя қилган ҳолда уларга янгилик киритиши мен учун бир сабоқ бўлди. Бу ўринда унинг аста-секин унутилиб бораётган кундал услубини қайта тиклаганини айтиб ўтиш жоиз.

Шаҳримиздаги Тўқимачилар маданият саройига ташриф буюрган ҳар бир одамнинг нигоҳи даставвал сарой шифтидаги жозибадор нақшларга тушиб, «отангга раҳмат», деб юборганини сезмай қолади. Ушбу гўзалликни яратишда устозим билан ёнма-ён меҳнат қилганимдан ҳар доим фахрланиб юраман. Шу ўринда яна бир мисолни келтириб ўтиш жоиз. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйи муносабати билан пойтахтимизда қад кўтариши режалаштирилган Темурийлар тарихи музейи гумбази лойиҳасини тайёрлаш Анвар Илҳомовга ишониб топширилиши унинг иқтидорининг тан олиниши, десам янглишмайман. Бундай масъулиятли вазифани амалга ошираётиб, менга шогирд эмас, уста сифатида гумбаз шарафаларини тайёрлашни топшириши унинг бағрикенглигидан, шогирдига ишончидан далолат эди. Музей гумбази лойиҳасини тайёрлаш ва уни бунёд этишда устозим билан бирга иштирок этдим. Анвар Илҳомов шундай шарафли вазифани ўз вақтида ва ўзига хос услубда бажарди. Бетакрор санъат асари яратгани учун унга Камолиддин Беҳзод номидаги республика Давлат мукофоти берилиши биз, шогирдлар учун энг қувончли воқеа бўлди. Бундай ҳамкорликдаги ишларимиз Фарғона ва Қувадаги Ал-Фарғоний мажмуалари ва Нукусдаги маъмурий бинолар ҳамда Элликқалъадаги театр биноси шифтини безашда ҳам давом этди.

Шу ўринда Анвар Илҳомовнинг Тоҳир Ҳусанов, Содиқ Ҳакимов, Собир Қосимов каби ўнлаб шогирдлар етиштирганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Куни кеча шогирдларидан бири — Одил Тўлагановга оқ фотиҳа бериб, усталар сафига қўшилгани билан муборакбод этгани устоз-шогирд анъанаси давом этиб келаётганига бир мисол. Шундай устозлар бор экан, ҳунар, санъат сира йўқолмайди ва авлоддан-авлодга ўтиб боради.

**Носир НАБИЕВ,**
**Ўзбекистон Бадиий академияси ва Меъморлар уюшмаси аъзоси, ганчкор.**

## Шифокорлик — олий касб

# БИР каттадан, кичикдан ўрганиб...



Бувимлар, қайси соҳада бўлмасин, устоз кўрмаган шогирд шогирдми, дегувчи эдилар. Ҳозир ўйлаб қарасам, аслида, ўзлари менинг илк устозим бўлган эканлар. Чунки тиббиёт институтининг даволаш факультетига ўқишга кирганимдан бошлаб, мени акушер-гинеколог бўлишга қизиқтирган ҳам бувимлар бўладилар. Гап шундаки, катта бувим доя бўлган эканлар. Бугунги кунда нимагаки эришган бўлсам, шу бувимнинг оқ фотиҳаларию ҳаётимда учраган яхши инсонлар туфайли, деб биламан.

Илк илмий ишимни бошлаганимда Тамара Кузьминична Шевченко деган ажойиб шифокорнинг меҳнатлари менга кўп сингган. Ҳозир эса, мана ўн йилдан ошаяпти, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг акушерлик-гинекология кафедраси доценти сифатида шу кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор, устозим Мунира Асадова раҳбарлигида ишлаяпман.

Халқда «Бир каттадан, бир кичикдан ўрган», деган нақл бор. Мен бу сифатни устозимга нисбатан айтган бўлардим. Чунки у кишининг шундай хислатлари борки, қўл остидаги шогирдларига мен фалончиман, ҳамма менга бўйсуниши керак, деб қарамайдилар.

Ҳаётда тиришқоқ, ўз олдига қўйган мақсадига етмагунча тинчимайдиган Мунира Асадовадек шифокорнинг шогирди бўлиш, том маънода, катта бахт. Мен ҳамиша у киши сингари ҳаётда ўз ўрнимни топишга, касбимнинг ҳақиқий фидойиси бўлишга интиламан. Қолаверса, бемор, айниқса аёллар биз, шифокорлар ҳузурига келаркан, албатта, нажот истаб, дардига шифо топиш илинжида бўлади. Шу илинждан уларни бенасиб қилмайлик. Мен Мунира опадан, аввало, шу нарсани ўрганганман ва шогирдларимга ҳам биринчи галда шуни ўргатган бўлардим...

**Гулсара ЕШИМБЕТОВА,**
**тиббиёт фанлари номзоди, доцент.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

Саҳифани Умида ФАЙЗИЕВА ва Муфтилло ЮСУПОВ тайёрлашди.

